

“COMSTECH AWARDS 2025” мукофотига оид

“COMSTECH AWARDS” мукофоти 1996 йил Илмий ва технологик ҳамкорлик бўйича доимий қўмитаси (COMSTECH) томонидан таъсис этилган бўлиб, ИХТга аъзо давлатлар фуқаролари ҳамда ушбу мамлакатларда фаолият юритаётган олимлар учун мўлжалланган.

2025 йил учун мукофот қуйидаги номинациялар бўйича берилади:

1. Биология ва кимё фанлари ривожига умрбод қўшилган хисса учун.

Ушбу номинация биология ва кимё йўналишида узоқ йилдан буён фаолият юритиб келаётган олимларга берилади. Ҳар бир фан бўйича ғолибларга сертификат, фахрий нишон ва 8000 АҚШ долларидан пул мукофоти топширилади.

2. Фан ва технологияларда илғор илмий ютуқлар учун.

Ушбу номинация бўйича қуйидаги уч йўналишда аризалар қабул қилинади:

- Ёш тадқиқотчилар учун (2025 йил 31 март ҳолатига кўра 40 ёшдан кичик шахслар иштирок этиши мумкин);

- Энг яхши илмий китоб учун (2023-2024 йилларда халқаро нашриётлар томонидан чоп этилган китоблар);

- Патент учун (мукофот илмий назарияни янада бойитиш ва/ёки тижорат тизимларини ишлаб чиқилишига давомли ижобий таъсир кўрсатган кашфиётлар учун берилади. Танловда фақат охириги беш йил ичида рўйхатдан ўтган патентлар кўриб чиқилади);

Ҳар бир йўналиш бўйича ғолибларга сертификат, фахрий нишон ва 4000 АҚШ долларидан пул мукофоти топширилади.

3. Энг яхши илмий нашр учун.

Биология, кимё, математика ва физика йўналишларида 2023-2024 йилларда импакт-фактор журналларида чоп этилган илмий мақолалар кўриб чиқилади.

Ҳар бир фан бўйича ғолибларга сертификат, фахрий нишон ва 2500 АҚШ долларидан пул мукофоти топширилади.

4. Илм-фан коммуникациялари соҳасидаги ютуқ учун.

Ушбу мукофот биринчи марта эълон қилинмоқда. У ИХТ мамлакатларидаги самарали илмий алоқа ва тарғибот фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва муассасаларга берилади. Танловда илм-фан, таълим, журналистика, тарғибот (outreach) ва кино соҳасида илмий мулоқотга қўшилган улкан ҳиссалар кўриб чиқилади. Ғолибга сертификат, фахрий нишон ва 4000 АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти топширилади.

Ҳужжат топшириш тартиби

“COMSTECH AWARDS 2025” мукофотиға номзодлар илмий муассасалар, миллий тадқиқот кенгашлари, университетлар, тадқиқот институтларидан ИҲТга аъзо давлатлар фуқаролари бўлган ва уларда ишловчи олимлар иштирок этишлари мумкин. Номзодлар COMSTECH бош координатори томонидан тайинланган тегишли соҳадаги таниқли олимлар ва экспертлар ҳайъати томонидан баҳоланади.

Иштирок этувчи шахс ёки муассаса тавсия этилган расмий хат ва тегишли ҳужжатларининг электрон нусхалари COMSTECH котибиятига awards@comstech.org электрон почтасига юборилиши керак.

Мактубда айнан қайси номинация бўйича ариза топширилаётгани ва мазкур соҳага қўшилган хисса аниқ баён қилиниши лозим.

Хатга қуйиги ҳужжатлар илова қилиниши шарт:

- тўлдирилган ва имзоланган ариза намунаси
- таржимаи ҳол - резюме (4000 сўздан ошмаслиги керак)
- илмий нашрлар рўйхати
- муассаса раҳбарининг тавсияномаси.